

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА  
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Фан: *Психология*

Мавзу: *Онг ва*

*онгсизлик*

*ҳолатлари.*

**КУРС ИШИ**

Бажарди: \_\_\_\_\_

Қабул қилди: \_\_\_\_\_

ТОШКЕНТ-2014

*Мавзу:*

## **Онг ва онгсизлик ҳолатлари**

*Режа:*

### **I. Кириш.**

### **II. Асосий қисм.**

1. Онгси ва онгсизликка таъриф.
2. Одамнинг тараққий қилишида меҳнатнинг роли
3. Одам онгининг айрим томонлари ва функцияларининг тарихий тараққиёти.
4. Кишилар онгининг ўзгариши
5. Одам онгининг ёшига қараб ўсиши
6. Шахснинг ижтимоийлиги онги ва ўзини англаши

### **III. Хулоса.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

## I. КИРИШ.

Психика воқеликнинг киши миясида акси сифатида ҳар хил даражалар билан фарқланади. Психиканинг одамга хос бўлган олий даражаси онгни ташкил этади. Онг психиканинг, уни, яхлит бир ҳолга келтирувчи шакли бўлиб кишининг меҳнат фаолиятида, бошқалар билан (тил ёрдамида) доимий мулоқот қилиш жараёнида шаклланишини ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари натижаси ҳисобланади. Шу маънода онг, олимларнинг таъкидлашича, (ижтимоий маҳсул) бўлиб, англаган борлиқдан буюк бошқа нарса эмасдир.

Онгнинг тузилиши, унинг муҳим психологик таърифи қандай? Унинг **биринчи таърифи** номининг ўзидаёқ берилган бўлиб онг деганидир. Кишининг онги бизнинг теварак атрофимизни қуршаб турган олам ҳақидаги билимлар мажмуасидан таркиб топди. «Онгнинг яшаш усули ва онг учун ниманингдир борлиги - билимдир».

Шундай қилиб, онгнинг тузилишига муҳим билиш жараёнлари кирадики, улар ёрдамида одам ўз билимларини доимо бойитиб боради. Бу жараёнлар қаторига сезгилар ва идрокни, хотирани, хаёл ва тафаккурни қўшиш мумкин. Сезгилар ва идрок ёрдамида мияга таъсир ўтказувчи қўзғатувчиларнинг бевосита акс этиши натижасида онгда борлиқнинг ўша лаҳзада киши тасаввурида ҳосил бўлган хиссий манзараси гавдаланади. Хотира онгда ўтмиш образларини қайтадан гавдалантирса, хаёл эҳтиёж объекти бўлган, аммо ҳозирги пайтда йўқ нарсанинг образли моделини ҳосил қилади.

Тафаккур умумлашган билимлардан фойдаланиш йўли билан масаланинг ҳал этилишини таъминлайди. Айтиб ўтилган психик билиш жараёнларидан исталган бирининг батамом барбод бўлиши у ёқда турсин, бузилиши ё издан чиқиши ҳам онгнинг барбод бўлишига олиб келади.

**Онгинг иккинчи таърифи** - унда субъект билан объект ўртасида аниқ фарқланишнинг ўз ифодасини топиши, яъни одам «мен» деган тушунчага нима тегишли эканини аниқ билади.

Тирик организмлар дунёси тарихида биринчи бўлиб унда ажралиб чиққан ва ўзини атроф муҳитига қарама-қарши қўйган инсон ўз онгида ушбу қарама-қаршилиқ ва тафовутни сақлаб келмоқда. Жонли мавжудотлар ичида унинг ўзигина ўзини билишга, яъни психик фаолиятини ўзини тадқиқ этишга йўналтиришга қодирдир.

Одам ўз хатти-харакатларини ва умуман ўзини-ўзи онгли равишда баҳолайди. «Мен»нинг «мен эмас»дан ажратиши ҳар бир киши болалигида бошдан кечирадиган йўл бўлиб, унинг ўзини-ўзи англаши жараёнида юз беради.

**Онгинг учинчи таърифи** - одамнинг мақсадни кўзловчи фаолиятини таъминлашдир. Фаолиятнинг мақсадларини яратиш онгинг функциясига киради. Бунда фаолият мотивлари юзага келади ва чамалаб чиқилади, иродавий қарорлар қабул қилинади, ҳаракатларни бажаришнинг қандай бориши ҳисобга олинади, унга тегишли тузатишлар киритилади ва ҳоказо.

Инсон табиат томонидан берилган нарсанинг формасини ўзгартириш билангина чекланмайди, табиат томонидан берилган нарсалар билан бирга ўзининг онгли мақсадини ҳам амалга оширади, бу мақсад, қонун сифатида, кишининг иш усулини ва бу ишнинг характерини белгилаб беради ва киши ўз иродасини ана шу мақсадга бўйсундириши лозим.

Мақсадни кўзловчи фаолиятнинг амалга ошишида ва йуналишида касаллик оқибатида ёки бирон-бир бошқа сабабларга кўра ҳар қандай бузилишнинг юз беришини онгинг бузилгани деб қарамоқ керак. Ниҳоят **онгинг тўртинчи таърифи** - унинг таркибига муайян муносабатнинг кирганлигидир. «Инсоннинг муҳитига бўлган муносабати унинг онгидир».

Киши онгига муқарар равишда ҳис-туйғулар олами кириб келади унда мураккаб объектив энг аввало одамни ўзи ҳам жалб этилган ижтимоий муносабатлар ўз аксини топади. Бу ўринда ҳам (жалб этилган ижтимоий)

бошқа кўпгина ҳолларда бўлгани каби патология нормал онгнинг моҳиятини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради. Айрим руҳий касалликларга чалинганда онгнинг бузилганлиги айнан ҳис-туйғулар ва муносабатлар соҳасидаги бузилиш билан белгиланади:

Бемор бунга қадар беҳад севган онасини суймайдиган бўлиб қолади, яқин кишилари тўғрисида зарда билан гапирди ва ҳоказо. Онгнинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча ўзига хос хусусиятлари, шаклланиши ва номаён бўлишининг муқаррар шарти тил ҳисобланади. Нутқ фаолияти жараёнида одам билимлар ҳосил қилади, киши дунёга келгунча қадар унинг учун инсоният яратиб берган, тилда мустаҳкамлаб, унга етказган инсон тафаккури бойликлари билан ўз ҳаётини бойитади. А.И Герцен шундай деб ёзган эди: «Ҳар бир киши илдизлари сол бўлмаса одам ато замонларига бориб етадиган даҳшатли шажарага таянади: соҳил бўйидаги тўлқин каби орқамизда бутун бошли океан - бутун бир дунё тарихининг шиддати ҳис этилади; шу дақиқада бизнинг миямизда барча асрларнинг ғоялари гавдаланади.

Тил алоҳида обектив систематик унда ижтимоий тарихий тажриба ёки ижтимоий онг акс этгандир. Конкрет одам томонидан ўзлаштирилар экан, тил маълум бир маънода унинг реал онги бўлиб қолади. Тил - амалий, ҳақиқий онгдир, бошқалар учун ҳам мавжуд бўлган ва худди шу туфайли мен учун ҳам мавжуд бўлган онгдир...» - деб қайд этган эди.

## 1. Онг ва онгсизликка таъриф

Онг тушунчаси психологияда, психиатрияда ва бошқа фанларда унинг юқорида келтирилган асосий таърифларига мос келадиган маънода ишлатилади. Психиаторларни беморда онг бор ёки йўқлиги, ё бўлмаса бузилганлиги масалалари доим қизиқтиради, шу туфайли улар онг деганда беморнинг ўз ўзига қардалиги, вақт қачонлиги, теварак-атрофдаги вазият қандайлиги тўғрисида ўз шахсий ҳолати ҳам ҳаракатлари ҳақида ҳисоб бериш имкониятларни тушунадилар.

Онг яхши сақланиб қолган одам миёга келадиган янги ахборотга ўзидаги мавжуд билимларни ҳисобга олган ҳолда баҳо беради ва ўзини теварак-атрофдаги муҳитдан алоҳида ажратиб, бошқа одамларга ва фаолият вазиятга нисбатан таркиб топган муносабатлар системасини сақлаб қолади ҳамда ана шу барча маълумотлар асосида ўз хатти-ҳаракатини идора қилади. Онг ижтимоий маҳсул бўлиб, фақат одамларга хосдир. Ҳайвонларда эса онг бўлмайди. Психиканинг қуйи даражаси онгсизликдан иборатдир. Онгсизлик - кишини ўзини тута олмайдиган қилиб қўядиган таъсуротлар билан боғлиқ психик жараёнлар ҳаракатлар ва ҳолатлар йиғиндисидир. Психик ҳолат сифатидаги онгсизлик воқеликни акс эттиришини шундай бир шакли ҳисобланадики, бунда ҳаракат вақти ва ўрнини мўлжал қилиш яхлитлиги йўқолади хатти ҳаракатининг нутқ ёрдамида бошқарилиши бузилади. Онгсизликка қуйидаги психик ҳодисаларни киритиш мумкин: уйқу пайтида юз берадиган психик ҳодисалар (туш кўриш), сезилмайдиган, лекин ҳақиқатда ҳам таъсир кўрсатадиган қўзғатувчиларга жавоб реакциялари: олдинлари онг ҳаракат бўлиб лекин такрорланавериб, автоматлашиб кетган ва шунга кўра эндиликда англамайдиган бўлиб қолган ҳаракатлар фаолиятига ундовчи, аммо мақсад ҳиссидан англамайдиган айрим майллар ва ҳоказо. Онгсизлик ҳодисаларига бемор кишининг психикасида рўй берадиган баъзи бир

патологик ҳодисаларни англаш, кўзига йўқ нарсалар кўриниши ва шу кабиларни ҳам кўшиши мумкин. Шуларга асосланиб онгсизликни онга карама-қарши деб ҳисоблаш, уни ҳайвонлар психикасига тенглаштириш нотўғри бўлар эди. Онгсизлик - бу кишининг худди онг каби ўзига хос психик қиёфасидирки, у киши миясида борлиқнинг етарли даражада бир хил бўлмаган қисмлар акси тарзида инсон ҳаётининг ижтимоий шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлгандир.

Инсон онг эгаси бўлганлиги туфайли ҳодисаларнинг ўзаро сабабиятлари, боғланишларини ва бу боғланишларнинг натижаларини очиқ ола билади, ўз олдига муайян мақсадлар қўяди ва шу мақсадларга яраша иш кўради.

Одам онги, психикаси юксак даражада ташкил топган материянинг, яъни миянинг хоссасидир.

Шу билан бирга, одам онгини ижтимоий ҳаёт шароитига боғлаган ҳолда тараққий қилади.

Онг инсоннинг энг аввалги ота-бобоси қурол ясаб, меҳнат қила бошлаган ва шу туфайли ижтимоий ҳаёт кечира бошлаган пайтдан эътиборан пайдо бўлган.

Одамнинг энг аввалги ота-боболари тўда-тўда бўлиб яшаши меҳнат жараёнида инсон жамиятига яқинлаштиради.

Одам ташқи табиатга таъсир этиб ва уни меҳнати билан ўзлаштириш жараёнида ўзининг табиатини ҳам ўзгартириб боради. Одамнинг энг аввалги ота-боболари меҳнат жараёнида қайта тузилиб одам организми такомиллаша борган.

## **2. Одамнинг тараққий қилишида меҳнатнинг роли**

Инсон онгининг тараққий қилишида сўзсиз меҳнат жараёни муҳим роль ўйнади. Авлод-аждодларимиз меҳнат қилиш натижасида ўз эҳтиёжлари учун керак бўлган буюмларни табиатдаги бор бўлган ёғоч, тош кабилардан яшаш натижасида уларнинг онглари такомиллаша борган.

Айни меҳнат қуроллари тайёрланиши, қўлдан турли-туман ишларда фойдаланиши туфайли одамзод қўлининг панжалари ривожланди. Одам меҳнат қилган сайин сўзлашни ўрганди, нутқ, вужудга келди, одам тилга кирди, сўзлашни ўргана бошлади, сўзлай бериш муносабати билан, нутқ ила қилинадиган муомалада тил тараққий эта борди ва меҳнат билан бир қаторда, одам бош мияси ва онгининг янада ўзгариши, такомиллашуви учун асосий фактор бўлиб қолди.

Одам миясининг нисбий ҳажми ҳам ўзгарди ва анча катталашди. Бош мия пўстининг юзаси ҳам катталашди (2000 кв. см), миянинг ва мия пўстидаги айрим қисмларнинг тузилиши ўзгарди. Катта ярим шарларнинг пешона ва тепа бўлаклари айниқса такомил этди. Одам миясининг пешона бўлаги мия пўсти юзасининг тахминан 30 процентини эгаллайди. Бош мия пўстининг энса бўлаги одамда 12 процентини эгаллади. Одам миясининг пўстида янги марказлар ҳосил бўлди, ҳайвонларнинг мия пўстида эса бундай марказлар йўқ.

Одам миясининг пўстида нутқ марказларининг ҳосил бўлиши айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Одамда иккинчи сигнал системаси вужудга келди ва таркиб топди, иккинчи сигнал системасининг ишлаши одамдаги юксак нерв фаолиятининг ҳайвонлардаги юксак нерв фаолиятидан фарқ қиладиган асосий хусусиятидир.

Одамда моддий дунё тараққиётининг муайян босқичида пайдо бўлган онг тараққий қилиб ва ўзгариб борди. Лекин онгнинг тарихий тараққиёти биологик қонунлар билан эмас, балки ижтимоий қонунлар

билан белгиланди. Кишилар онги ижтимоий ҳаёт формаларининг тарихий ўзгаришларига мувофиқ равишда тараққий қилиб борди.

Жумладан, кишилар онгининг тарихий тараққиёти ишлаб чиқариш усулларига, ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгаришига ва шу жамият идеологиясига қараб борди.

**Идеология** деб бирон жамият, синфнинг сиёсий, философий, маънавий, эстетик (санъат), диний қарашлар системасини айтилади. Идеология, бошқача айтганда, ижтимоий онг деб аталади. Психологияда текшириладиган индивидуал онгни, яъни ҳар бир айрим киши онгини ижтимоий онгдан фарқ қилиш керак.

Синфни жамиятда синфий идеологияга қараб, айрим кишилар онги ҳам синфни онг сифатида таркиб топади.

Жамиятнинг тарихий тараққиёт жараёнида онгнинг синфий хусусиятлари таркиб топиши билан бирга кишилар онгида синфий хусусиятлар ҳам таркиб топди. Тарихан таркиб топган ҳар бир миллатнинг ўз «психик тузуми» бор. Бу психик тузум шу миллат тараққий этадиган тарихий шароитнинг умумийлигидан келиб чиқади.

Шуни назарда тутиш керакки, синфий жамиятда синфий ва умумий миллий хусусиятлар бўлиши билан бирга, мазкур жамиятдаги барча кишиларда психиканинг умуман одамзодга хос хусусиятлари ҳам бўлади. Барча кишиларнинг ирқий, миллий ва синфий хусусиятларидан қатъий назар уларнинг психик ҳаёти умуман бир хил тузилгандир. Барча кишилар теварак-атрофдаги дунёни сеза ва идрок эта оладилар. Барча кишиларда хотира ва хаёл бор. Барча кишилар фикрлайдилар ва тил воситаси билан ўзаро алоқа қиладилар. Барча кишилар турли ҳисларни кўнгилдан кечирадилар ва ўз иродаларини намоён қиладилар.

### **3. Одам онгининг айрим томонлари ва функцияларининг тарихий тараққиёти**

Одам онгининг айрим томонлари ва функциялари тарихан тараққий қилиб келган. Кишиларда фақат уларнинг ўзига хос бўлган, эҳтиёжлар вужудга келди ва тараққий этди.

Эҳтиёж одамнинг кун кечириши, яшаши ва камолга етиши учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси демакдир.

Одам яшаш, ҳаёт кечириш учун ўз эҳтиёжларини кондирishi лозим.

Эҳтиёж ҳайвонларда ҳам бор. Аммо ҳайвонларда фақат биологик, туғма эҳтиёжлар бўлади, овқатланиш, ўз-ўзини ҳимоя қилиш, насл қолдириш эҳтиёжлари бор, холос. Одамда бу биологик эҳтиёжлардан ташқари, яна юксак эҳтиёжлар - билиш эҳтиёжлари, ижтимоий, маънавий, эстетик ва бошқа шу каби эҳтиёжлар бор. Бу эҳтиёжлар туғма эҳтиёжлар эмас улар тарихан тараққий этган. Ижтимоий зот бўлган одамнинг биологик эҳтиёжлари ҳам тарихий тараққиёт жараёнида сифат жиҳатидан тубдан ўзгарган.

Кишиларнинг эҳтиёжлари ижтимоий тузум формаларининг тараққиётига қараб ўзгаради.

Тарихда одам мияси тараққий этиши билан бирга сезги кўрув, эшитув, туйғу органлари айниқса юксак камолотга эришди. Одам музикани, нафис суратларни ва бошқа санъат асарларини идрок этишга қодир бўлди. Қўл асосий меҳнат органи бўлиш билан бирга асосий туйғу органи ҳам бўлиб қолди.

Одамнинг тарихий тараққиётида унинг идроки ва хотира фаолияти ҳам такомиллашиб ва сифат жиҳатидан ўзгариб турди. Ташқи дунёдаги нарса ва ҳодисаларни англаб-билиб, шу билан бирга кенгроқ ва

чуқурроқ идрок этадиган бўлди, ўз фаолиятидаги тажриба маҳсулини англаб-билиб эсда қолдирадиган ва ундан англаб-билиб фойдаланаиш қобилиятига эга бошлади..

Инсон тафаккури ҳам тарихий тараққиёт маҳсулидир.

Одамзод тафаккури дастлаб элементар меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғланган эди. Бу конкрет-амалий тафаккур эди. Кейинчалик тафаккур конкрет тафаккурдан абстракт тафаккур сари на амалий тафаккурдан назарий тафаккур сари тараққий қилиб борди. Албатта, абстракт ва назарий тафаккур тажрибадан ажралмаган ҳолда ўсиб борди. Мантикий тафаккур формалари ҳам меҳнат тажрибасида ва дунёни билиш жараёнларида ҳосил бўлди ва ўсиб борди.

Одам ҳодисалар ўртасидаги муҳим алоқа ва муносабатларни, табиат ва ижтимоий ҳаёт қонунларини тафаккур ёрдами билан очиб олади. Инсоннинг онг идора қиладиган фаолияти энди фақат оддий қўл меҳнати қуроллари, овқат, кийим-кечак ва турар жойинигина яратиб қолмай, балки фан, санъат, мураккаб техникани ҳам яратади. Кишилар илмга асосланган дунёқараш яратишга интиладилар ва шунга ҳаракат қиладилар. Тараққий қилаётган фан, техника ва санъат эса ўз навбатида кишилар онгининг ўсишига, уларнинг маънавий қиёфасига, тафаккурига таъсир этади.

Аввалги наслларнинг тажриба ва билимлари тилда мустаҳкамланиб, кейинги наслларга ўтиб келди. Меҳнат алоқаларида такомиллашиб борган тил ўз навбатида кишиларнинг онги ва тафаккури тараққиётига ҳам таъсир этди. Ёзувнинг такомиллашуви туфайли кишиларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири мислсиз даражада кенгайди ва мазмундор бўлиб қолди. Кишилар бир-бирлари билан бевосита алоқа қилиш орқалигина эмас, балки узоқ масофадаги кишилар билан ва илгари ўтган кишилар билан бавосита «алоқа» боғлаш йўли билан ҳам уларнинг онги, билим ва тажрибаси билан бойийдиган бўлиб қолади. Тил кишининг бутун онгли фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Юқорида

кўрсатиб ўтилганидек, тил меҳнат билан бир қаторда инсон жамияти ва онгини тараққий эттирадиган иккинчи асосий фактордир.

Меҳнат жараёни ва ижтимоий муносабатларнинг таркиб топиш жараёнида тафаккур ва тил билан бирга, одам иродаси ҳам пайдо бўлди ҳамда тарихан ўса борди. Одам, иш кўришдан олдин ўз ҳаракатларини тасаввур қилади, шу ҳаракатларни олдин ўйлаб кўради, қўйилган мақсадга етиш учун англаб-билиб ғайрат кўрсатади, рўй берган қийинчиликларни енгиб ўтадиган бўлиб қолади. Ирода билан бўладиган ҳаракатлар – онгли ҳаракатлар шаклланади.

Шу билан бирга, одамнинг ирода-ихтиёр билан қиладиган ҳаракатлари бўлади. Теварак-атрофдаги муҳитни ўзлаштириш, уни ўз эҳтиёжига мослаштириш имконини пайдо қилди.

Одам ирода эгаси бўлганлиги туфайли тарихий тараққиёт жараёнида табиатни ўзига аста-секин бўйсундирди, уни ўзига хизмат қилишга мажбур этди. Одам табиатни, теварак-атрофдаги оламни ўз мақсадларига мувофиқ қилиб ўзгартиради, унга янгилик киритади.

Ўша тарихий тараққиёт жараёнида, узоқ кураш йўли билан инсонлар ижтимоий муҳитининг стихияли таъсиридан кутулади, ижтимоий тараққиёт қонунларини секин-аста билиб олиб, ижтимоий ҳаётга уюшган ҳолда таъсир кўрсата бошлайди, инсон жамиятининг тараққиётини муайян йўлга сола бошлайди.

#### 4. Кишилар онгининг ўзгариши

Мамлакатимизда мустақилликнинг ғалаба қилиши одамзод шахсининг -ундаги барча куч ва қобилиятларнинг яйраб-яшнаши учун мислсиз катта имкониятлар яратиб берди.

Ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги ишлаб чиқариш муносабатларининг асоси ана шу янги муносабатларни акс эттирадиган янги онг ҳам пайдо бўлди. Кишилар онгидаги бу янгилик кишилар ўртасидаги муносабатларнинг ўзгаришида, меҳнатга муносабатнинг ўзгаришида, кишилар савиясининг ўзгариши ва кенгайишида, уларнинг ўз фаолиятида олдиларига қўядиган ғояларнинг ўзгаришида ўз ифодасини топди.

Кишиларнинг ўзаро муносабатларида ўртоқларча ҳамкорлик, ва ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик қарор топди.

Бизда кишиларнинг меҳнатга муносабати ҳам тубдан ўзгарди: илгари оғир ва машаққатли юк деб ҳисобланган меҳнат шон-шарафга, шавкат ва қаҳрамонлик ишига айланди. Меҳнатда завқ-шавқ кўзғайдиган манбалар пайдо бўлди. Бизда меҳнат фақат яшаш воситаси бўлибгина қолмай, балки, эҳтиёжга шу билан бирга, шодлик ва бардамлик манбаларига айланди. Кишиларнинг юксак ҳислари – Ватанимиз бахт-саодати учун ижодий меҳнат қилишида янгилик яратиш, кашфиёт билан шуғулланишда ўз ифодасини топмокда.

Озод кишиларнинг эркин меҳнати зўр ижодиёт эканлигини, бу ижодиётда кишининг барча жисмоний ва маънавий кучлари муносиб равишда қўшилишини, корхоналаримизнинг илғорлари ва тадбиркорлари амалда кўрсатмокдалар.

Кишиларнинг ўзаро муносабатлари ўзгариши билан меҳнатга янгича муносабат қарор топиши билан кишиларнинг онги ҳам ўзгарди. Улар ўз жамиятига қарши бош кўтарадиган кишилар эмас, балки ўз жамиятининг аъзоси унинг фидоийсидирлар. Улар Ватан олдидаги бурчини, вазифаларини доимо яхши англайдиган кишилардир.

Мустақиллик даврида кишиларнинг фикр-ҳислари, интилишлари ва иродаси ҳам ўзгарди.

Кишилар онгининг ўзгаришида ижтимоий тузум қанча юқори бўлса, ижтимоий муҳитнинг ўсиб келаётган авлод онгига таъсири шунча ортади. Мустақилликка эришишимизнинг ўзи кишиларнинг онгини ўзгаришига сабаб бўлди. Жамиятнинг болалар онгига таъсир этишида таълим-тарбиянинг роли каттадир. Чунки болалар ёшлигидан атрофдаги кишилар билан муносабатда бўлиб, билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Болани ўраб олган ижтимоий муҳит (табиат, жамият, жамоа ва гуруҳ), меҳнат ва тил фақат инсон шахси тараққиётининг шартларигина бўлиб қолмай, болалар учун мактабда ўқув предметиға айланади. Билим ва кўникмаларни эгаллаш боланинг маънавий жиҳатдан ўсишиға ёрдам беради, дунёқараш шаклланади.

Инсон онгининг ўзгаришида уни фаоллик кўрсатиши ҳам муҳим аҳамиятға эға. Агар бола туғилганидан бошлаб фаоллик кўрсата бошласа, кейинчалик бу фаоллик фаолиятға айланади. Фаолият эса кишини ўзини ўраб олган табиатға, ижтимоий муҳитға ва айрим кишиларға таъсир кўрсатишувидир. Буларнинг ҳаммаси кишилар онгининг ўзгаришиға сабаб бўлади.

## 5. Одам онгининг ёшига қараб ўсиши

Маълумки, ҳар бир одамнинг онги туғилиш пайтидан бошлаб, бутун умр бўйи ўсиб боради.

Одам онгининг ёшга қараб ўзгариш сабаби нимада, деган савол туғилиши табиий.

Турмушдаги кузатишлар ва биологлар, жамиятшунослар, психологлар ва педагогларнинг кўпгина илмий тадқиқотлари бу саволга қуйидагича жавоб қайтаришимизга асос беради: ҳар бир киши, онгининг ёшга қараб тараққий этиши шу киши организмнинг ўсишига, ижтимоий муҳит таъсирига, таълим ва тарбияга, шунингдек, одамнинг ўз фаолиятига боғлиқ.

### *Организмнинг ўсиши*

Бола организми ўсиб, камолга етиб боради. Организмнинг айрим аъзолари ўсади ва такомил этади, шу аъзоларнинг сифати ўзгаради. Нерв системаси тараққий этиб ва чиниқиб боради. Масалан, бола бир ёшга тўлгунча бош миясининг оғирлиги икки марта ошади, тўрт-беш ёшларга борганда бош мия оғирлиги уч марта ошади. Миянинг ўсиши 20 ёшгача, баъзан ундан кейин ҳам давом этади.

Бола шартсиз рефлекслар билан туғилади, аммо ҳаётининг биринчи ойидаёқ, шартсиз рефлекслар асосида, ташқи таъсирлар туфайли шартли рефлекслар ҳам вужудга кела бошлайди.

Бола бир ёшга тўлиб, иккинчи ёшга қадам қўйганда бош мия пўстининг фақат одамга хос бўлган юксак функцияси таркиб топади, И.П.Павлов бу функцияни иккинчи сигнал системаси деб атаган эди. Юқорида айтганимиздек, И.П.Павлов таълимотига кўра, иккинчи сигнал системасининг механизмлари тафаккур ҳамда оғзаки ва ёзма нутқнинг нерв-физиологик негизи ҳисобланади.

Такомил этувчи нерв системаси, жумладан, бош мия - тараққий этаётган одам психикасининг моддий субстрати (асоси)дир. Аммо организм ўсишининг ўзи хали одам шахсини, ундаги психик ҳаёт мазмуни

ва формаларини белгилаб бермайди. Бола тайёр билим ва маҳорат, тасаввур ва қобилият, тайёр ҳавас ва характер билан туғилмайди.

Организмнинг ўсишига боғлиқ бўлган психик ҳаёт имкониятлари ҳақиқатан юзага чиқиши учун бола анчайин ўсиш билангина қолмай, ижтимоий муҳитда, одамлар орасида яшаши ва камолга етиши керак.

Болаларни гўдаклигида ёввойи ҳайвонлар (маймунлар, бўрилар) ўғирлаб кетиши, бу болаларнинг тирик қолиб, одамларга аралашмасдан ўсиш ҳодисалари анчагина маълум. Аммо, бундай болаларда одамга хос бўлган психик қобилиятлар уларнинг ёшига яраша тараққий этган эмас.

Бу фактлар шуни кўрсатадики, организмнинг инсон жамиятидан ташқарида ўсишининг ўзи шахснинг психик тараққиётини таъминлай олмайди.

Организм ўсиши билан, жумладан, нерв системаси ўсиши билан психик ҳаёт мазмуни ва формаларининг тараққийси учун имконият вужудга келади, холос. Бу имкониятларнинг юзага чиқиш боиси шуки, одам ижтимоий муҳитда яшайди ва камол топади. Одам биологик зот сифатида эмас, балки ижтимоий зот сифатида камолга етади.

### ***Ижтимоий муҳит.***

Умуман одам онги ижтимоий тарихий ҳаёт шароитида вужудга келиб, камолга етгани каби, ҳар бир одам онги ҳам фақат муайян ижтимоий муҳитда камол топади.

Бола туғилган пайтиданоқ, муайян ижтимоий ҳаёт шароитида таркиб топган ижтимоий муносабатлар шароитида, ижтимоий онг формалари қарор топган бир шароитда бўлади, бола меҳнат шароитининг таъсирида бўлади, теварак-атрофдаги кишилар билан сўзлашиб, алоқа қилиб туради.

Гўдак боланинг ўзи меҳнат қилмайди албатта. Аммо у меҳнат шароитида яшайди ва ўсади. Боланинг атрофида ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсули бўлган нарсалар туради; у меҳнат самараларидан фойдаланади; катта ёшли кишилар бола учун меҳнат қиладилар, сўнгра

бола вояга етиб, меҳнатнинг бирон турига киришади, меҳнатга бирон муносабатда бўлади.

Худди шунингдек, бола туғилган куниёқ тилга кирмайди. Аммо бошқа кишилар боланинг олдида унга мурожаат қилиб сўзлайдилар. Бола сўзлашувчилар орасида ўсади, сўнгра бола маълум ёшга етгач тилга кириб, сўзлашадиган бўлиб қолади.

Ўсаётган бола тилни билиб олади, тилнинг ёрдами билан эса аввалги наслларнинг тўплаган моддий ва маънавий тажрибасини билиб олади, айти вақтда ўзининг психик кучларини ҳам камолга етказади.

Одам камолга етадиган муҳит қандайдир ўзгармас бир нарса эмас. Ҳар бир одамнинг, ҳар бир боланинг онги ўзгарувчи муҳит таъсирида камол топади. Синфий жамиятда бу муҳит синфий бўлади. Шу сабабли, конкрет муҳитга қараб, ўсаётган одам онги ҳам ҳар хил таркиб топади ва камолга етади.

Ҳамма шароитда бола болалигича, йигит-йигитлигича қолади, албатта. Аммо ижтимоий ҳаёт, турмуш ва маданият шароитига қараб, тарбияга қараб, ўсмирлар ва йигит-қизларнинг хусусиятлари таркиб топади.

### ***Таълим ва тарбия.***

Теварак-атрофдаги ижтимоий муҳит одамнинг ўсаётган онгига, асосан, уюшган тартибда таъсир этади. Ижтимоий формация қанча юқори бўлса, ижтимоий муҳитнинг ўсмир авлод онгига уюшган тартибдаги таъсири шунча катта бўлади.

Инсон жамияти болалар онгига асосан тарбия ва таълим йўли билан уюшган таъсир кўрсатади.

Бола теварак-атрофдаги кишилар билан хилма-хил ўзаро муносабатларга киришар экан, гўдаклигиданоқ билим, маҳорат ва малака орттира бошлайди. У аввал оила шароитида ёки мактабгача тарбия муассасасида, сўнгра мактабда ўқийди, таълим олади.

Теварак-атрофдаги муҳит (табиат ва жамият), меҳнат ва тил одам шахсини камолга етказадиган шароит бўлиш билан бирга, бола ўсган сайин мактабда ўрганади, шунингдек тарбия воситаси сифатида фойдаланилади.

Таълим ва тарбия одамни камолга етказадиган асосий етакчи фактордир. Бунинг сабаби шулар:

1. Организм ўсишининг ўзи ва муҳитнинг стихияли таъсири беролмайдиган нарсани одам таълим ва тарбия жараёнида олади. Масалан, бола она тилини теварак-атрофдаги муҳитнинг «стихияли» таъсирида ҳам билиб олиши мумкин. Аммо, ўқиш-ёзишни фақат махсус таълим олиш йўли билан ўрганиши мумкин.

Одам қўл-оёғининг хилма-хил ҳаракатлари организмнинг ўсиши билан бирга ва шу организм яшайдиган шароитга қараб такомил этади. Аммо, махсус меҳнат ва техник кўникма ҳамда малакаларини одам фақат ўқиб-ўрганиш йўли билан эгаллаб олади.

2. Одамнинг ноқулай органик такомил натижаси бўлган нуқсон ҳам таълим ва тарбия йўли билан зарур томонга қараб ўзгартирилади. Масалан, баъзи болаларнинг айрим нуқсонлар билан - кўр, кар (кар-соқов, кўр-кар-соқов) бўлиб туғилиши маълум. Аммо, махсус ташкил этилган таълим ва тарбия ёрдами билан бундай болалар ақли тўла-тўқис ўсади. Бунга кўр-кар-соқов Ольга Скороходова ёрқин мисол бўла олади. Ольга ўқиб, олий маълумот олди, бир қанча илмий асарлар ва шеър тўпламлари ёзди.

3. Муҳитнинг стихияли салбий таъсир этиш натижаси бўлган камчиликлар ҳам таълим ва тарбия йўли билан зарур томонга ўзгартирилади. Масалан, 9-10 яшар болаларда баъзан муҳит таъсири билан баъзи ёмон одат ва майллар - тамаки чекиш, карта ўйнаш, сўқиниш ва шунга ўхшаш ярамас одатлар пайдо бўлиши мумкин.

Махсус педагогик усуллар билан таъсир этиб, бу ярамас одат ва майлларни бартараф қилиш ва ўрнига бошқа яхши одатларни сингдириш мумкин.

4. Таълим ва тарбия шахс тараққиётида прогрессив аҳамиятга эгадир. Муҳитнинг стихияли таъсири одамнинг тараққиётини шу муҳит даражасига етказа олади. Таълим ва тарбияда шу прогрессив жамият даражасидан ташқарига чиқадиган мақсадлар (идеялар) қўйилади. Масалан, педагогик системамизда келажак кишиларини, янада мукаммал камол топган шахсни етиштиришни мақсад қилиб қўямиз. Бундай мақсад ёш авлодда психиканинг камолга етиш хусусиятларини ҳам белгилаб беради, ёшларда ҳақиқий, мақсадга интилиш, яшаш ва ишлашга интилишнинг тараққий этишини таъминлайди. Шундай мақсад қўйилар экан, тарбия ва таълим шахс тараққиётида ёшда прогрессив аҳамиятга эга бўлади.

5. Таълим жараёнида болалар ўз ақлини илм билан бойитиб, бир қанча маҳорат ва малака олиб, шу билан бирга ўзлари ҳам камол топадилар.

Болаларнинг камолга етиш даражаси бирор билим ва малакаларни ўзлаштириш имкониятига боғлиқ. Билим ва малакаларни ўзлаштириш жараёни эса ўз навбатида болаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига имкон беради.

Таълим жараёнида болаларнинг ирода ва маънавий сифатлари такомиллашади, уларнинг дунёқараши таркиб топади.

Таълим - одамнинг табиий қобилиятларини уйғотиш ва ривожлантириш учун муҳим шартлардан биридир.

### ***Одамнинг ўз фаолияти***

Ҳар бир шахснинг камолга етиши фақат организмнинг ўсишига, муҳит ҳамда таълим ва тарбия воситаларининг таъсир этишига боғлиқ бўлиш билангина қолмайди; ҳар бир шахснинг камол топиши шу камолга етаётган кишининг актив иштироки билан бўлади. Бу фаолият аввало шунда кўринадики, бола муҳитнинг, тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг ўзига кўрсатаётган таъсирига ижобий ёки салбий муносабатда бўлади.

Боланинг ташқаридан бўладиган таъсирларга бирор муносабатда бўлиши аввал организмнинг тузилиш ва фаолият хусусиятларига, шунингдек унда келиб чиққан эҳтиёжларга боғлиқ. Ўсаётган организмнинг хусусиятларига ва пайдо бўлаётган эҳтиёжларига қараб, боланинг баъзи психик хусусиятлари ёшлик давридан таркиб топа бошлайди. Шунга қараб, такомил этаётган одам ўзига кўрсатиладиган таъсирларни болалик давриданок, турлича ва турли даражада ўзлаштиради. Бола ҳаётининг дастлабки кунлариданок кўринадиган актив муносабат кейинчалик фаолиятга айланади. Бу фаолият эса одамнинг теварак-атрофдаги табиий муҳитга, ижтимоий муҳитга ва айрим кишиларга таъсир этиши демакдир. Агар бола мутлақо қимирламай тураверса (амалда бундай бўлиши мумкин эмас, албатта), психикаси тараққий этмаган булур эди.

Ҳар бир зотнинг ўз тараққиёти унинг камолга етишида катта роль ўйнайди. Одамнинг ўз тараққиёти фаолиятда юзага чиқади. Одамнинг ўз тараққиёти ёш сайин онгли процессга айланиб, фаолиятнинг ўз-ўзини тарбиялаш деган маҳсус турига айланади. Одам бошқаларни тарбиялаш билангина қолмай, ўз-ўзини ҳам тарбиялайди.

Шунинг учун ҳар бир одам умрининг қандайдир ёшидан бошлаб қандайдир даражада, мактаб ёшидан бошлаб эса ўзининг ҳатти-ҳаракатига тегишли тарзда жавобгар бўлади.

Ёш психологияси деган маҳсус фан одам психикасининг ёш сайин тараққий этишини текширади.

Бу фан одам ёшининг турли босқичларида психиканинг кетма-кет тараққий этиш хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганади. Одам умри давомида (онтогенезда) онг ва шахс кетма-кет қандай таркиб топишини текшириш, одам ёшининг ҳар бир босқичида гўдаклик давридан тортиб то кексайгунча бу психика стгуктурасининг қандай специфик хусусиятлари борлигини билиш, одам психикасининг ёшга қараб тараққий этиши қандай факторларга боғлиқ эканлигини аниқлаш ёш психологиясининг вазифасидир.

Ёш психологияси системасида болалар психологияси алоҳида муҳим ўринни эгаллайди. Бу фан чақалоқлик, гўдаклик, мактабгача тарбия ёши, мактаб ёшида психика қандай тараққий этишини ўрганади. Бу ўсиш давлари одам шахси ва онгининг таркиб топиш даври ҳамдир.

Психологиянинг махсус соҳалари «Ёшлар психологияси», «Катталар психологияси», «Кексалар психологияси» ҳам ёш психологияси системасида ўзига муносиб ўринни эгаллайди.

## **6. Шахснинг ижтимоийлиги онги ва ўзини англаши**

Одамнинг шахс сифатидаги асосий белгиси унинг ижтимоийлиги, шу билан бирга психик ҳаётнинг юксак формаси бўлган онги ва кишиларнинг ўзаро сўзлашиб алоқа қилиш воситаси бўлган тилидир Инсон ҳаётида ўзаро муносабатлар муҳимдир.

Шунингдек ўзаро муносабатларидан қатъий назар, туғилиш пайтиданок унга шахснинг бутун асосий психик мазмуни хосдир, гўё ҳар бир одам ўзининг тайёр «мени» билан, ўзини англашга тайёр бўлиб туғилган деб даъво қилувчи идеалистик қарашларга умуман қарши қаратилгандир.

Жамиятдан ташқарида одам одам бўлолмайди ва кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқа уларнинг амалий фаолиятидаги, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабати билан белгиланади.

Одам бошқа кишиларга муносабатда бўлиш туфайлигина онглироқ бўлиб қолади ва унинг психик ҳаёти муайян мазмунга эга бўлади. Ана шу муносабатлар нечоғли мазмундор ва ранг-баранг бўлса, одамнинг психик ҳаёти ҳам шунчалик мазмундор ва ранг-баранг бўлади.

Одам онгининг юксак белгиси - унинг ўзини англашидир, одамнинг ўзини англаши ҳам шахснинг муҳим белгисидир.

Шахснинг ўзини англаши шундан иборатки, одам жамиятда тараққий этар ва ишлар экан, теварак-атрофдаги муҳитда ўзининг индивидуаллигини, субъектлигини ажратади. Одам теварак-атрофдаги оламни билувчи ва шу дунёга таъсир этувчи зот сифатида ҳар бир одам субъектдир, одамнинг идрок этадиган, тасаввур қиладиган, фикр юритадиган, тилга оладиган ва таъсир кўрсатадиган нарсаси унинг учун объектдир. Одамнинг ўзини англаши субъектив равишда ўзини «мен» деб ҳис қилишида ифодаланади.

Одам ижтимоий зот бўлганлигидан унга ўзини англаш қобилияти хосдир.

Аммо одам жамиятнинг бир аъзоси ва оламнинг бир қисмидир, шу сабабли одам теварак-атрофидаги оламдан ажратса ҳам, айтилиш вақтида шу олам билан боғланганлигини англайди. Одам ўз теварак-атрофидаги оламдан ўзини ажралган ҳолда ўзини «мен» деб англай олмайди, чунки одам онгининг, ўзини англашининг, «мен»ининг мазмуни ўша одам атрофидаги реал-воқеълик инкосидир.

Шахснинг ўзини англаши шунда ифодаланадики, одам теварак-атрофдаги оламда ўзини ажратиш билан бир вақтида, ўзининг шу оламга узвий равишда боғланганлигини англайди, ўзига, ўз фаолиятига ва ўз вазифаларига англаб-билиб муносабатда бўлади.

Шахснинг ўзини англаши, «мен» деб ҳис қилиши ҳамisha муайян мазмуни билан юзага чиқади. ўзининг борлигини англаши, одамнинг ўзини ким деб билиши – ўқувчи, ишчи, ўқитувчи, инженер ва шунга ўхшаш деб англаши, ўзининг ўтмишини ва келажагини англаши, бошқа кишилар билан ўзаро муносабатини англаши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаши, ўзининг фазилат ва камчиликларини ва шунга ўхшашларни англаши ўзини англашга киради.

Шахс ўзини англаганлигидан ўзини-ўзи кузата олади ва ўзини-ўзи билиб олади, кўнглидан ўтган кечинмаларни тушуна олади, ўзининг ҳатти-ҳаракатларига ўзи танқидий кўз билан қарай олади.

Шахснинг ўзини англаши ва ўзини билиши ўз ҳулқ атворини бошқариш учун зарур шартдир, ўзини-ўзи тарбиялаш учун ўз ақлини ўзи ўстириши учун зарур шартдир.

Онғ тараққиёти жараёнида боланинг борлиқни акс эттиришнинг механизмлари тузилиши, мазмуни ўзгаради. Бу фикрлаш хусусиятларининг ўзгаришида ҳам кузга ташланади. Мисол сифатида богча болалари учун предметларнинг ташки хусусиятларини ва вазиятларини акс эттириш, кейинчалик эса предметларнинг функцияларини ажратишини сўнгра уларнинг тузилишини ажратишларини келтириш мумкин.

Юқорида қайд этилган 3 йўналиш ўзаро боғланган ва улар биргаликда шахсий психик тараққиёти ўзгаришлари жараёнини ташкил этади. Онг тараққиётининг муҳим мезони ўз рухий ҳолати ҳақида уйлаш, ўзининг "мен"ини англаш ҳисобланади. ўз "мен"ини англаш бола шахсининг ҳар хил томонларини тараққиётини амалга оширадиган асосий механизм бўлиб қолади.

***Бола шахси фаоллиги психик тараққиёт шароити сифатида.***

Шундай умумий қонуниятлардан бири боланинг фаоллиги билан боғлиқ янги психик тузилмаларнинг пайдо бўлишидир. Таълимда янглик ташқаридан берилсада, фаолият таркибига киритилиши, фаолиятни қайта қуриш билан боғланиши керак. Бир хил материални ўзлаштириш ҳар хил болаларда турлича рўй беради. Шунинг учун бола риволаниш даражасига боғлиқ равишда ҳар хил педагогик шароитларни талаб қилади. Бола ўзлаштириш жараёнида ўзининг шахс сифатидаги хусусиятларини намоён қилади. Бола шахси асосий томонларининг тараққиёти таълим методларида акс этадиган ўзлаштириш механизмларини амалга оширади. Масалан, маълум ёш даври болалари учун характерли бўлган етакчи йўналиш хусусиятларини ҳисобга олиши зарур. Маълумки боғча даврида кўпчилик янги нарсалар ўйин фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бу даврда машғулотлар дидактик ўйинлар шаклида ўтказилади.

Онг тараққиёти жараёнида боланинг борлиқни акс эттиришнинг механизмлари тузилиши, мазмуни ўзгаради. Бу фикрлаш хусусиятларининг ўзгаришида ҳам кузга ташланади. Мисол сифатида боғча болалари учун предметларнинг ташки хусусиятларини ва вазиятларини акс эттириш, кейинчалик эса предметларнинг функцияларини ажратишини сўнгра уларнинг тузилишини ажратишларини келтириш мумкин.

Юқорида қайд этилган 3 йўналиш ўзаро боғланган ва улар биргаликда шахсий психик тараққиёти ўзгаришлари жараёнини ташкил этади. Онг тараққиётининг муҳим мезони ўз рухий ҳолати ҳақида уйлаш, ўзининг

"мен"ини англаш ҳисобланади. ўз "мен"ини англаш бола шахсининг ҳар хил томонларини тараққиётини амалга оширадиган асосий механизм бўлиб қолади.

Бола шахси фаоллиги психик тараққиёт шароити сифатида.

Шундай умумий қонуниятлардан бири боланинг фаоллиги билан боғлиқ янги психик тузилмаларнинг пайдо бўлишидир. Таълимда янглик ташқаридан берилсада, фаолият таркибига киритилиши, фаолиятни қайта қуриш билан боғланиши керак. Бир хил материални ўзлаштириш ҳар хил болаларда турлича рўй беради. Шунинг учун бола риволаниш даражасига боғлиқ равишда ҳар хил педагогик шароитларни талаб қилади. Бола ўзлаштириш жараёнида ўзининг шахс сифатидаги хусусиятларини намоён қилади. Бола шахси асосий томонларининг тараққиёти таълим методларида акс этадиган ўзлаштириш механизмларини амалга оширади. Масалан, маълум ёш даври болалари учун характерли бўлган етакчи йўналиш хусусиятларини ҳисобга олиши зарур. Маълумки боғча даврида кўпчилик янги нарсалар ўйин фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бу даврда машғулотлар дидактик ўйинлар шаклида ўтказилади.

## ХУЛОСА

Бу фан онгнинг ҳамда инсон шахсининг пайдо бўлиши ва тарихий тараққиёт босқичларига оид масалаларни ўрганади.

Бу масалаларни ўрганишга бўлган қизиқиш, асосан, ижтимоий тарихий фанларнинг тараққиёти муносабати билан пайдо бўлди. Инсон онги тараққиёти тарихида, албатта, энг қизиқарлиси ибтидоий онг хусусиятлари ҳақидаги масаладир, онг функцияларидан эса энг қизиқарлиси инсон тафаккуридир.

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги буржуа фанида Тейлорнинг «Ибтидоий маданияти», Фрайзернинг «Олтин шоҳ» асарлари ва, айниқса, Леви-Брюлнинг «Маданиятнинг босқичларидаги жамиятларда тафаккур функциялари», «Ибтидоий тафаккур» номли китоблари машҳур эдилар. Леви-Брюль ибтидоий одамнинг тафаккури ҳозирги замон одамининг мантикий тафаккуридан тубдан фарқ қилади: у мантиқан олдин (унда зиддият қонуни инкор қилади) пайдо бўлиб, табиий ва ғайри табиий нарсаларнинг фарқига бормайди, деб даъво қилди.

Леви-Брюлнинг айтишича, ибтидоий одамнинг тасаввурида дастлабки сабаб билан охирги оқибат бевосита боғлангандир; бу ўринда оралик боғланишлар инкор қилинади. Леви-Брюлнинг фикрича, бунда даҳлдорлик қонунини (парпиципция)га амал қилинади Унинг бой этнографик материаллари ва баъзи хулосалари анча аҳамиятга эга, лекин унинг ибтидоий тафаккурнинг маданий одам тафаккуридан сифат жиҳатидан фарқ қилиши ҳақидаги қондаси илмий жиҳатдан танқид қилишга арзимаиди.

Инсон онгииинг пайдо бўлиши ва унинг тарихий тараққиёти ҳақидаги масалани илмий жиҳатдан ҳал қилинди. Инсон онги меҳнатда пайдо бўлган, «инсонни меҳнат яратган, уни ижтимоий, онгли мавжудотга айлантирган. Онг ва унинг барча формалари ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқариш усулларида боғлиқ ҳолда меҳнатида ривожланган. Тарихий психологиянинг асосий муаммоси инсон онги тараққиётининг меҳнат

формаларининг тарихий тараққиётига, синфий курашга, ижтимоий иқтисодий информацияларга боғлиқ эканлигини исботлашдан иборатдир.

1863 йил унинг «Бош мия рефлекслари» деган машҳур асари босилиб чикди. Бу асарда Сеченов ўша замон физиологиясининг илғор ютуқларига ва шахсий текширишларига асосланиб туриб, одамнинг психик фаолияти қандайдир моддий бўлмаган рухнинг намоён бўлиши эмас, балки фақат миянинг фаолияти холос, деб дадиллик билан айтди. Сеченов физиолог сифатида Чернишевский ва ундан олдин майдонга чикқан рус материалистлари томонидан ривож топтирилган материалистик монизмни табиий-илмий жиҳатдан асослаб берди. «Инсондаги психик ва физиологик жараёнлар,— деган эди Сеченов,— бу бир хил тартибдаги ҳодисалар, бири-бирига яқин, реал дунёга хос бўлган ҳодисалардир». Сеченов психик жараёнларнинг асоси бош мия рефлексларидир, деган таълимотни илгари сурди. «Онгли ва онгсиз психиканинг барча ҳаракатлари,— деб ёзади у, ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан рефлекслардир». Шунини исботлашни у ўзининг вазифаси деб билди.

Сеченов илмий психологиянинг асосий вазифаси бош миянинг функциялари бўлган психик жараёнларнинг келиб чиқишини ўрганишдан иборат деб ҳисоблайди. «Илмий психология, деб ёзади у, ўзининг бутун мазмуни эътибори билан психик фаолиятнинг келиб чиқиши ҳақидаги бир қатор таълимотлардан ўзга нарса бўлмоғи мумкин эмас».

Сеченов инсон психикасининг инсон онги тараққиётининг бирламчи омили бўлган ташқи дунё билан белгиланганлигини таъкидлади. «Моддий олам ҳар бир инсонга нисбатан, унинг фикридан олдин мавжуд бўлган ва мавжуд бўлади».

«Маълумки, инсоннинг психик жараёнлари,— деб ёзади Сеченов,— ташқи белгиларда ифодаланади ва одатда барча кишилар, оддий кишилар ҳам, олимлар ҳам, табиатшунослар ҳам, психологлар ҳам психик жараёнлар ҳақида шуларга, яъни ташқи белгиларга қараб фикр юритадилар». «Бирок

психик ҳодисаларни илмий жиҳатдан ҳақиқий анализ қилиб беришнинг калити физиологиянинг қўлидадир».

Сеченовнинг психик жараёнларнинг моҳиятини тушунтириб берадиган асосий қонун-қоидалари мана шулардан иборат. И.М.Сеченов таълимотининг давомчиси И.П.Павлов эди. У материалистик психологиянинг табиий-илмий асоси бўлган янги фан, олий нерв фаолияти физиологиясини кашф этди.

Шахснинг белгиси ва ўзини англашининг мазмуни – унинг бирон мақсадни кўзлаши, шунга интилишидан иборат. Бу эса онгли равишда амалга оширилади.

Шахснинг муҳим хоссаси шуки, у бирон мақсадни кўзлайди, шу мақсадга интилади. Шахс ҳамиша бирон нарсага, бирон мақсадга, бирон объектга кўз тикади, унга интилади, воқеъликнинг реал соҳалари ана шундай объект бўлади, аммо ҳақиқатда йўқ бўлган, хомхаёлдан келиб чиққан нарсалар ҳам шундай объект бўлмоғи мумкин.

Шахс ўз ҳаётида муайян бир идеал учун, киши истикболнинг ўз умрида амалга ошириш лозим деб ҳисоблайдиган ва амалга оширадиган баркамол образи учун интилади ва шуни ўзига олий мақсад қилиб олади. Одам шу мақсадни деб яшайди ва ҳаётининг маъноси шунда деб билади.

Одамнинг интилишлари, ҳаёт мақсади муайян ва барқарор мақсад бўлиши учун шу юксак идеал ҳам хомхаёл маҳсули бўлмасдан, балки ҳақиқатан ҳам ҳаётий, барқарор ва доимий идеал бўлиши керак. Юксак идеал ёки олий мақсад кишининг дунёқарашидан келиб чиққандагина барқарор ва идеал бўла олади.

Дунёқарашнинг бўлиши ҳам шахснинг муҳим белгисидир.

Дунёқараш одамнинг табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги қарашлари, тасаввурлари ва тушунчалари системасидир.

Синфий жамиятда ягона дунёқараш йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Дунёқараш ташқи олам ва инсон тафаккурининг жараёнлари ҳақида мунтазам қарашлар системасини беради. Бу дунёқараш фаннинг

ютуқларига ва инсониятнинг кўп асрлик тажрибасига асосланади.

Одамнинг кўзлаган мақсади, ҳатти-ҳаракати дунёқарашга мос бўлиб, шахснинг эҳтиёжига айланганда бу дунёқараш маслак бўлиб қолади.

Идеаллар (олий мақсадлар) ва дунёқарашнинг мавжудлиги ҳам одамнинг ўз онгига қўшилади. Одам ўз идеалларини онг туфайли онгли равишда англаб, ўз дунёқарашини ва маслакларини билиб олиб, ҳаётда ва жамиятда тутган ўрнини аниқлайди, нимани деб яшаётганлигини ва ишлаётганлигини; ўзини, ўз фаолиятини қай йўлдан камолга етказа бориши кераклигини, жамиятда қандай киши бўлиб етишуви зарурлигини аниқлаб олади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. А.В.Петровский «Умумий психология» Тошкент, Ўқитувчи, 1992 й
2. П.И.Иванов «Умумий психология», Тошкент, Ўқитувчи, 1967й
3. Р.С.Немов «Психология», Москва, 1974 й.
4. Абу Али Ибн Сино. «Тиб қонунлари асари». Тошкент – 1992 й.
5. Давлетшин М.Г. «Психологическая наука в Узбекистане» Психологический журнал. Тошкент. №7. 1986 й.
6. Давлетшин М.Г. «Психология тарихи» дастур. Т.-1996й.
7. Ждан Г. «История психологии» – 1976й.
8. Искандаров Б. «Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар.» Тошкент. «Ўзбекистон». –1993 й.
9. Нишонова З.Т. «Психология тарихи» маърузалар матни Т-2002й.
10. Петровский «Умумий психология» Тошкент – «Ўқитувчи» – 1992й.
11. Хайруллаев М.М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар». Тошкент -1995й.
12. Ғозиев «Тафаккур психологияси» Тошкент – Ўқитувчи – 1990й.
13. В.М.Каримова. Психология А.Қодирий нашриёти Тошкент 2002 й 9-20 бетлар.